Ин... Гос. книжная палата УзССР
40495

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 1 апрель, шанба №40 (221.803.) Сотувда эркин нархда.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

КИШИНЁВ, 30 март. (ЎзА махсус мухбири Ўктам Мирзаёр хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегур таклифига биноан бу ерга давлат ташрифи билан келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Кишинёв аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Молдова Президенти Мирча Снегур Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни самолёт пиллапоялари ёнида ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Таомилга кўра, азиз меҳмонга нон-туз тутилди, анвойи гуллар тақдим этилди.

Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Молдова Давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислом Каримов Президент Мирча Снегур ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафларини ёнидан ўтди. Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Шу куни Молдова Президенти қароргоҳида икки давлат раҳбарлари ташқи ишлар вазирлари иштирокида тор доирада музокаралар ўтказдилар.

Бир пайтнинг ўзида давлат тантаналари саройида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган ҳукуматлараро битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тор доирадаги суҳбатдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Молдова Республикаси Президенти М. Снегур кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказиш учун давлат тантаналари саройига келишди. Музокаралар ниҳоясида икки давлат бошлиқлари томонидан ўзаро ҳамкорликка оид бошқа қўшма ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Маросим якунида Президентлар журналистлар билан учрашиб, ўтказилган музокаралар якуни хусусида сўзлаб бердилар. Оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Президент Ислом Каримов ва Президент Мирча Снегур шу куни Молдованинг халқ хўжалиги тармоқлари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлари билан учрашди.

Оқшом Молдова Республикаси Президенти Ўзбекистон раҳбари шарафига зиёфат берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Молдова Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

***

КИШИНЁВ. 31 март. (ЎзА махсус мухбири Ўктам Мирзаёр хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Молдова Республикасига ташрифининг иккинчи куни мамлакат парламентига ташриф буюрди. Ўзбекистон раҳбари бу ерда Молдова парламенти раиси П. Лучинский ва парламент қўмиталари раҳбарлари билан учрашди.

Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишида икки мамлакат парламентлариаро алоқаларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислом Каримов ташриф давомида икки мамлакат ўртасида ўзаро дўстликнинг, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда илмий соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилганидан мамнуний изҳор этди. Эришилган аҳдномалар Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришини қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Молдова Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Ташриф ниҳоясида Ўзбекистон раҳбари ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегацияни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

30 март куни мамлакатимиз пойтахтининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари ва туман ҳокимлари, алоқадор вазирлик ва идоралар, бошқарма ва корпорациялар, концерн ва уюшмалар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди. Ушбу масала хусусида тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Қисқа вақт мобайнида пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш бўйича муҳим вазифалар муваффақиятли бажарилгани, хусусан, Сағбон, Қорасарой, Фаробий, Чимбой каби кўчаларда амалга оширилган кўп ишлар диққатга сазовор экани мажлисда таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, бузилиши лозим бўлган уйларда яшовчи барча аҳолини янги уй-жойларга ўз вақтида кўчиб ўтишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди, айрим камчилик ва муаммоларга, уларни ҳал қилиш йўлларига эътибор қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами муносабати билан барпо этилаётган иншоотларда бажарилаётган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва барча аъзолари диққатига

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи партиямиз Низомига қатор ўзгартиришлар киритган эди.

Бугун Сиз газетанинг иккинчи саҳифасида Низомнинг янги матни билан танишасиз.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Индонезия Республикаси Президенти Сухарто 8-10 апрель кунлари Ўзбекистонга расмий ташриф буюради.

Эртага — Геологлар куни

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ИНСОНГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ер ости бойликлари — хазина изловчилар касб байрами арафасида (анъанага мувофиқ бу байрам апрель ойининг биринчи якшанба куни нишонланади) пойтахтдаги «Туркистон» саройида Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ташкилотларининг намуна кўрсатиб ишлаган ходимларига фахрли унвонлар берилди, Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Бу мукофотлар уларга тантанали вазиятда топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков геологларни Президент Ислом Каримов номидан байрам билан самимий табриклади. Байрам арафасида Президент Фармони билан Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ташкилотларининг намуна кўрсатиб ишлаган ходимларига фахрли унвонлар берилди, Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Бу мукофотлар уларга тантанали вазиятда топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар иқтисодиётнинг Ўзбекистон минерал — хом ашё мустақиллигини таъминлаш лозим бўлган асосий тармоқларидан бирини ривожлантириш истиқболлари ва тармоқ ишини янада яхшилаш йўллари тўғрисида гапирдилар. Ўтган йили ва шу йилнинг биринчи чорагида фойдали қазилмаларнинг энг муҳим турлари — олтин, мис, вольфрам, литий, уран, табиий газ, нефт ва конденсат, чучук ва минерал сув заҳираларини ошириш бўйича давлат буюртмаси ортиғи билан бажарилди. Йиғилишда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, республика ер ости бойликлари разведкачиларининг биринчи навбатдаги ва келгусидаги вазифалари ҳақида гапирилди.

Тантанали йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

Узбекистон санъат усталари тантанали йиғилиш иштирокчиларига катта байрам концерти намойиш этдилар.

(ЎзА).

Мўйноқ туманининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Учсой овулидагиларнинг қувончи чексиз. Нега дейсизми? Нукус таъмирлаш-механика заводи ишчиларининг учсойликларга Наврўзолди туҳфалари уларнинг хурсандчилигига сабаб бўлди. Хуллас, бирйўла юздан зиёдроқ хонадонга табиий газ келтирилди. Юқоридаги суратда учсойликлар дуосини олган пайвандчи Жолгас Қаллибеков ва Мўйноқ шаҳар газ идораси раҳбари Пўлат Карабасовларни иш устида кўриб турибсиз.

Пастдаги суратда самарқандлик газчилар, Салим Муҳаммадиев бошлиқ комплекс гуруҳнинг олиб бораётган ишларидан кўнгилсиз мамнун. Дарвоқе, жорий йилда вилоятда яна 600 километр ҳудуддаги аҳоли хонадонларини газлаштириш мўлжалланган. Бугунгача Самарқанд туманининг 100, Оқтош туманининг 90,4, Тойлоқ ва Пахтачи туманлари аҳлининг 90 фоизи табиий газдан фойдаланаётганини ҳисобга олсангиз, газчиларнинг кейинги ишларига ҳам умум тилайсиз, албатта.

А.МУРОТОВ, Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Хабарингиз борми?

ФЛОРАНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Ажиниёз номли Нукус давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлар қуриб бораётган Орол денгизи тагида тузли ерларни беркитиш, учадиган чанг-тузонни тўсиш учун Марказий Осиё республикалари, чет мамлакатлар, Жанубий Америкадан тузга чидамли усимликлар келтириб, экиб фитомелиоратив синов ишларини ўтказишди. Экилаётган ўсимликларнинг сони ниҳоятда кўп. Улар бир йиллик ва кўп йилликдир.

— Орол денгизи ташлаб кетган ерлардаги тузли тупроқларни беркитиш ва шамол билан учадиган тузли чангларни тўсадиган дистихлис усимлигини икки йилдан буён чет мамлакатлардан сурабсуриштирардик, — дейди биология фанлари доктори, профессор Бозорбой Шербоев. — 1993 йилда республикамиз давлат делегацияси таркибида институтимиз ректори, профессор Жуманазар Бозорбоев Англияда бўлган чоғида Оксфорд университети профессор-ўқитувчиларидан дистихлис ҳақида сўраган. Маълум бўлишича мазкур ўсимлик Мехико ботаника боғида бор экан. Мексиканинг Россия Федерациясидаги элчиси Хуан Павло Дуч ёрдамида икки қути ўн килограмм дистихлис усимлигининг илдизи Нукусга олиб келинди.

Яқин йилларда фитомелиоратив ишларни кенг қуламда олиб бориш мақсадида бошоқли дистихлис усимлиги агротехникаси Мўйноқ, Бўзатов, Нукус туманларида синаб қурилмоқда, тажриба участкалари ва лабораторияларда тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

Бошоқли дистихлис кўп йиллик усимлик. Ер ости илдизи, ер усти органлари пахали, япроғи, куртаклари билан кўпайиб боради. Бу ўсимлик асосан юқори концентрацияли тузли ерларда ўсади. Унинг аҳамияти шундаки, тузли тупроқларни яхши беркитади. Шамол билан учадиган тузли чангларни ва кўчма қумларни тўсади.

Экология муаммолари лабораторияси ходимлари Марказий Осиё — Турон тупроғида илдиз отган бошоқли дистихлисни кўпайтириб, экологик офатдан зарар кўраётган туманларда, денгиз ўтган майдонларда экишни режалаштирмоқда. Бу эса одамларнинг саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Е. РЕЙИМБОЕВ.

Қадриятларимиз

АБАЙ ТЎЙИНИ ДУНЁ НИШОНЛАЙДИ

Марказий Осиё давлатларида қозоқ халқининг улуг шоири ва файласуфи Абай Қунонбоев таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш юзасидан тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Қозоғистон Республикасининг Узбекистондаги элчихонасида бўлган матбуот мажлиси ана шу тўйга тайёргарлик тадбирларига бағишланди.

Матбуот мажлисида Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Нажемедин Искалиев, Қиргизистон элчиси Солижон Жигитов, ўзбек адиблари Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Носир Фозилов, Шоир Усмонхужаев, Сефтер Нагаев, қозоқ олимлари Келдибек Сейданов, Олтинбек Нуралиев, Ҳожиакбар Салимовлар буюк мутафаккирнинг қолдирган бебаҳо мероси, унинг қозоқ маданиятини ривожлантиришдаги улкан ҳиссаси ҳақида гапирдилар.

Абайнинг улкан тўйи БМТ нинг ЮНЭСКО идораси йўли билан Россия, Украина, Германия, Австрия, АҚШ, Англия, Туркия, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларида ҳам нишонланиши мўлжалланмоқда.

А. ПЎЛАТОВ.

АЖИНИЁЗ ЮБИЛЕЙИ

Нукусда қорақалпоқ мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Ажиниёз Қусибой ўғлининг 170 йиллик юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёзов кириш нутқи билан очди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков машҳур лирик шоир Ажиниёз Қусибой ўғлининг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Мажлис иштирокчиларига Қорақалпоғистон санъат усталари ижросида катта концерт қўйиб берилди. Тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов қатнашди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

Саховат

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

ҚАШҚАДАРЁ. Наврўз китобликлар учун омадли келди. Жаҳон ва Европага танилган машҳур спортчилар етишиб чиққан бу заминнинг спорт мухлислари қувончини айтмайсизми? Шаҳар марказида дарвозасига миллий нақшлар ўйилган, югуриш йўлаклари ҳозирланган, футбол, баскетбол, қўлтўпи ўйнаш учун барча шароитлар яратилган стадион ишга туширилди.

— Ўн йиллар давомида орзуга айланиб қолган бу катта ўйингоҳни қуришга кўплар улуш қўшди, — дейди Китоб тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Озод Пармонов. — Айниқса, 226-, 225- ва 106-қурилиш ташкилотларининг хизматини алоҳида таъкидламоқ ўринли. Деярли ҳамма ташкилотлар халқ ҳашарида қатнашди. Шунингдек, саховатли кишилар ҳам қараб туришмади.

Дарвоқе, байрам кунларида туманда Шаҳрисабз сутпишлоқ корхонасининг фирма-магазини, 280 ўринли болалар боғчаси, «Қашқадарёмармар» бирлашмасининг 25 ўринли сиҳатгоҳи ва яна бошқа қатор қурилиш иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Юнус УЗОҚОВ.

Матбуот жонкуярлари

АРЗОН ГАЗЕТАЛАР

ГУЛИСТОН. Шаҳар марказий алоқа бўлими қошида газета-журналлар дўкони бор. Уни Холидахон ва Муҳаммаджон Абдуллаевлар хусусийлаштириб олишган. Қизиғи шундаки, бу ерда вақтли матбуот нашрлари бирмунча арзон нархда сотилмоқда.

Хусусий дўкондорлар ўзига хос хайрли ишга қўл уришган. Жумладан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 4,50 сўм ўрнига 3,50 сўмдан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» 2 сўм ўрнига 1,50 сўмдан, «Ўзбекистон овози» газетаси эса 2,50 сўм ўрнига 2 сўмдан сотилмоқда. «Газеталарни арзон нархда сотиш билан қийналиб қолмайсизларми? — деган саволга Муҳаммаджон Абдуллаев: — Қурилаётган зарарни бошқа моллар ҳисобига қоплашга ҳаракат қиляпмиз», деб жавоб берди. Унинг таъкидлашича, одамларга маънавият улашиш, истиқлол юртимиз ва дунёвий воқеалардан хабардор қилиш ҳар нарсадан муҳим экан. Албатта, гап 1 сўм ёки 2 сўмда эмас. Мижозларнинг кўпчилиги нафақахўрлардир. Ўшаларга, қолаверса, бошқаларга ҳам савоб улашмоқдамиз. Вилоятда эса 150 га яқин газета-журнал дўконлари бор. Уларнинг деярли барчаси хусусийлаштириб бўлинган. Абдуллаевларга ўхшаш саховатли кишилар кўпайса, газетхонлар ҳам кўпайиб бораверади.

Абдужалил УМАРОВ.

Лотерея

«СОВҒА»ГА «ТИКО» АВТОМАШИНАСИ

ТОШКЕНТ. Республикамизда чиқарилган «Совға» лотереяси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган. Бойси лотереянинг 70 фоизи ютуқларга қўйилганди.

Масалан, қўқонлик Холматжон Ҳотамқулов «Тико» автомашинаси ютди. Тошкентлик Раҳимжон Мажидов, жиззахлик Сайидқул Жумаев, самарқандлик Ибодулла Турақулов, сирдарёлик Амирбек Тошимовлар замонавий «Фунай» видеомагнитофонларининг эгалари бўлишди. Маълумки, лотерея ютуқлари 30 июнгача берилади. Омади чопганларнинг жамғарма банки бўлимларига ошиқаётганлари ҳам шундан.

Равшан ШОКИРОВ.

Ғалабанинг 50 йиллигига

ОТАХОНЛАР БОҒИ

ҚУВАСОЙ. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида «Ғалаба» боғи ташкил этилди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган беш гектарлик боққа ўтказилган ҳар бир ниҳол ва дов-дарахтга алоҳида металл ёзувли лавҳачалар ўрнатилган.

Бағдод туманида ҳам фахрийлар учун «Ғалабанинг 50 йиллиги» боғи барпо этилмоқда. Фарғона вилояти ҳокимлиги Қувасой шаҳар ва Бағдод тумани ҳокимликларининг отахонлар боғини яратиш билан боғлиқ ташаббусларини маъқуллаб, бу тажрибаларни кенг ёйишга қарор қилди.

Шуҳрат ҚОСИМОВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг НИЗОМИ

(1994 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари II қурултойида киритилган ўзгартиришлар билан)

1

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Ўзбекистон ХДП) ўз аъзоларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи республика сиёсий ташкилотидир. Унинг бош мақсади — Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиланишни таъминлашдан иборат. Партия мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайдиган, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тан оладиган ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган демократик ҳуқуқий давлат сифатида қарор топтиришга эришиш ниятидадир.

Партия халқимизнинг тарихан таркиб топган демократик анъаналарига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик қоидаларига, Ватанимиз ва жаҳон илғор тафаккурининг ютуқларига асосланиб, жамият аъзоларининг ижтимоий аҳволи, уларнинг насл-насаби, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, туб манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси республикада яшовчи барча халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш асосида жамиятни сиёсий усуллар билан бирлаштиришга ҳаракат қилади, шовинизм ва миллатчиликни, миллатлараро ва ижтимоий можароларнинг авж олдирилишини, улар қайси шаклда намоён бўлишидан қатъий назар, тамомила рад этади.

Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилади, жамиятни сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат қоидалари асосида барпо этиш ғояларига содиқ бўлиб қолади.

I. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА АЪЗОЛИК

1. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг дастурий мақсадларини тан оладиган ва унинг Низомини бажарадиган, партияни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турадиган фуқароси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ягона партия билети амал қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, виждон эркинлигини, даҳрий ёки диндор бўлиш ҳуқуқини чекламайди. Унинг аъзоси бошқа сиёсий партияларда бўлиши мумкин эмас.

2. Партиянинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар:

— ўз нуқтаи назарларини эркин баён этиш, партия сиёсати ва унинг ички турмуши масалаларини кўтариб чиқиш ва муҳокама қилиш, шу масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

— партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

— барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига сайланиш учун партиядан номзод этиб кўрсатилиш;

— ҳар қандай партия органига ва партиянинг ҳар қандай аъзосига баҳо бериш, уларни танқид қилиш;

— ҳар қандай партия органига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш;

— фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Низоми қоидаларига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатларнинг ишида қатнашиш;

— бошланғич партия ташкилоти билан келишган ҳолда ўзининг партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия ташкилотлари ва партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари:

— барча партия ташкилотларида партиявий ўртоқлик муносабатларини таъминлашлари, партия аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари;

— партия аъзоларининг ижтимоий ва қонун рухсат этган бошқа фаолиятига сиёсий маддани таъминлашлари;

— партия аъзоларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилган тақдирда уларнинг шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилишлари шарт.

3. Партия аъзоси:

— партия қарорларини, агар улар партия Дастури ва Низомига зид бўлмаса, бажаришга;

— партия ташкилотлари, уларнинг сайланма органлари ишида қатнашишга ёки партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга бошқача тарзда кўмаклашишга, унинг жамиятдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ва таъсирини кучайтиришга, ўзи танлаган бошланғич партия ташкилотларидан бирининг доимий ҳисобида туришга;

— барча миллат ва элатлар вакилларининг миллий анъаналарига, тарихий ва маданий меросига, тилига ҳурмат билан муносабатда бўлишга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш тўғрисида бутун чоралар билан ғамхўрлик қилишга;

— шахсий намуна билан ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва маънавий қадриятларни қарор топтиришга;

— партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб туришга ёки қонунга зид бўлмаган равишда партияни моддий жиҳатдан бошқача тарзда қўллаб-қувватлашга мажбурдир.

4. Партия аъзолигига қабул қилиш унга кирувчининг

2

ариза-сига биноан якка тартибда амалга оширилади.

Партияга қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида қабул қилинади ва унда ҳозир бўлган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий ва узил-кесил, деб ҳисобланади.

Дастурий мақсадлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясига яқин бўлган бошқа сиёсий партияларнинг аъзолари уларнинг таркибидан чиққанларидан кейин Ўзбекистон ХДП аъзолигига умумий асосда қабул қилинадилар. Бошланғич партия ташкилотининг бу ҳақдаги қарорини тегишли туман, шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси тасдиқлаши керак. Бошланғич партия ташкилотининг қарори билан уларнинг бошқа сиёсий партияларда бўлган вақти партия стажига кўшиб ҳисобланиши мумкин.

Кўп йиллик партия стажига эга бўлган партия аъзоларига бошланғич партия ташкилоти тақдимига мувофиқ, туман, шаҳар партия кенгаши ижроия бюросининг қарори билан «Ўзбекистон ХДП фахрийси» унвони берилиши мумкин. Ушбу унвон билан тақдирлаш тартиби Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган махсус Низом қоидалари билан белгиланади.

5. Бошланғич партия ташкилотлари ва барча даражадаги партия органлари, партия интизомини ва ахлоқ меъёрларини бузғанлиги учун партия аъзоларига нисбатан уларнинг Низомда белгиланган ҳуқуқлари ва шахсий қадр-қимматини камситмайдиган партиявий тарбия ва таъсир чораларини кўришлари мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти, истисно тариқасида эса юқори партия органлари Ўзбекистон ХДП Низоми талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун партия аъзолигидан чиқариши мумкин. Бу ҳақдаги қарор партия ташкилоти йиғилишида ёки юқори партия органида қабул қилинади ва мазкур ташкилот ҳисобида турувчи партия аъзоларининг ёки мазкур сайланма орган аъзоларининг ярмидан кўпроғи шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий, деб ҳисобланади.

Партиядан чиқарилган киши уч ой мобайнида юқори партия органларига шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Узрли сабабсиз аъзолик бадалларини тўламаган партия аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши лозим. Агар партия аъзосининг партия билан алоқани узганлиги аниқланса, у ҳолда, унинг партияга аъзолигини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Партияга аъзолик партия аъзосининг ихтиёрий

3

равишда партия сафларидан чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан ҳам тўхтатилади.

II. ПАРТИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

6. Ўзбекитон Халқ демократик партияси ўзининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳоказо дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб, бошқа сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий етакчиликка эришиш учун ҳаракат қилади.

У барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига сайлов чоғида депутатликка ўз номзодларини, қонунда белгиланган тартибда кўрсатади ва уларнинг сайланишига эришиш учун ҳаракат қилади. Партиядан кўрсатилган ҳар бир номзод депутатликка сайланганидан кейин, бирон-бир сабабга кўра, Ўзбекистон ХДП сафларидан ёки унинг мазкур вакиллик органидаги расмий фракцияси таркибидан чиққан такдирда, ўз депутатлик ваколатларини соқит қилиш тўғрисида тегишли вакиллик идорасига ариза бериш ҳақида, уни номзод қилиб кўрсатган партия сайланма органи олдида, виждон мажбуриятини олади.

7. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг сиёсий йўлини ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракциялари ва давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқарув жамоат органларига сайланган ёки тайинланган партия аъзолари орқали ўтказади, қонунда белгиланган тартибда, қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир таклифларни киритади.

Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракциялари партиядан сайланган депутатларни бирлаштиради ва уларнинг парламент фаолиятини мувофиқлаштиради. Партия аъзолари томонидан раҳбар партия органларидан тамомила мустақил бўлган ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан ҳаракат қиладиган гуруҳлар ёки фракцияларнинг тузилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон ХДПнинг ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракциялари партия қурултойлари ва конференцияларининг қарорларига, сайлаб қўйиладиган тегишли партия органларининг тавсияларига амал қиладилар. Муҳим сиёсий масалалар бўйича нуқтаи назарларни келишиб олиш учун сайлаб қўйиладиган тегишли партия органлари билан ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракцияларнинг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин. ХДП расмий фракцияларининг аъзолари тегишли ҳокимият органларида овоз бериш чоғида биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга амал қиладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги расмий фракция-

4

си ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Олий Мажлис ваколатлари давридаги унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини партия қурултойи эшитади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракциялари қонунда белгиланган тартибда бошқа расмий фракциялар билан ҳамкорлик қилишлари ёки уларга нисбатан ижобий муҳолифатда бўлишлари мумкин.

8. Партия сайланма органлари партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди дастурини амалга ошириш учун қонунда белгиланган тартибда ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракциялари орқали ўз вакилларини давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларидаги масъул лавозимларга тавсия этадилар ва уларнинг сайланиши ёки тайинланишига эришиш учун ҳаракат қиладилар.

III. ПАРТИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

9. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилий муштараклик ва партиявий ўртоқлик қоидаларига мувофиқ яшайди ва ҳаракат қилади. Бу қоидалар:

— партия ташкилотларининг ўзини ўзи бошқаришини ва уларнинг иштирокида жамоавийлик тарзида ишлаб чиқилган сиёсатни турмушга татбиқ этишда улар ҳаракатининг бирлигини;

— қўйидан юқоригача партиянинг барча органлари сайлаб қўйилишини;

— партия органлари ва уларнинг аъзоларининг ўзлари сайлаган ташкилотлар олдида ҳисобот беришини;

— ишда ошкоралик, рўй-ростлик ва ҳамжиҳатликни;

— фикр билдиришда эркинликни, турли қарашларни таққослашни, ошкора танқид ва ўз-ўзини танқидни;

— партия аъзоларининг ўзаро муносабатларида дўстлик, бир-бирига ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашни, инсоний қадр-қимматни ҳурмат қилишишни;

— шахсга нисбатан зўравонлик, унга мулкий, маънавий ва жисмоний зиён етказишни истисно қилишишни таъминланишини назарда тутадилар.

10. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, қоида тариқасида, ҳудудий асосда тузилади. Бунда бошланғич партия ташкилотларини ҳудудар бўйича туман, шаҳар, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар партия ташкилотларига бирлаштириш кўзда тутилади.

11. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча ташкилотлари ушбу Низом доирасида ва ўзларига тааллуқли партия қарорларини бажариш бўйича, юқори партия органлари олдида ҳисоб бериб турилишига риоя этилган ҳолда, ўзларининг ички турмуш ва фаолиятларини уюштиришда мустақилдирлар.

12. Умумий партия йиғилиши, конференция, қурултой партиянинг олий раҳбар органларидир. Улар партия ташкилотлари аъзоларининг ярмидан кўпроғи ёки сайланган делегатларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўладилар.

Олий раҳбар партия органлари ХДП кенгашларини, ижроия бюроларини ва тафтиш комиссияларини сайлайдилар ҳамда уларга зарур ваколатлар берадилар.

Ўзбекистон ХДП кенгашлари ва тафтиш комиссиялари, партиянинг тегишли ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракциялари аъзолари конференция, қурултой делегатлари этиб сайланмаган тақдирда, маслаҳат овози ҳуқуқи билан уларнинг ишида қатнашишлари мумкин.

Тафтиш комиссиялари партияга аъзолик бадаллари қай тарзда тўланаётганлигини назорат қиладилар, партия ташкилотлари ва муассасаларининг партия бюджети ижросини ҳамда молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этадилар, конференция, қурултой тасдиқлайдиган Низомга мувофиқ бошқа назорат ишлари ва ваколатларини амалга оширадилар. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида тегишли партия кенгашининг аъзолари бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

13. Партия ташкилотлари, унинг сайланадиган органлари ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал қилиш учун ишнинг Низомга хилоф бўлмаган ҳар қандай шаклидан фойдаланишлари, унда қатнашиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларни жалб этишлари мумкин.

Партия аъзолари ва партия сайланма органларининг ташаббуси билан партия клублари, сиёсий марказлар, қизиқишлар ва муамммолар бўйича, шу жумладан, касб-кор бўйича ҳам, бирлашишнинг хилма-хил шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Улар партия ташкилотлари ҳисобланмайдилар, лекин партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар ва шу хусусда ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай даражадаги партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритадилар.

14. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча органлари сайлаб қўйилади. Улар йиғилишларда, конференцияларда, қурултойларда бевосита ёки бегиланган миқдорда қўйи партия ташкилотлари томонидан сайланадилар. Ана шу партия ташкилотлари ушбу вакилларни чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Партия йиғилиши, конференцияси, қурултойининг, сайланадиган органининг ихтиёрига кўра, овоз бериш яширин

5

ёки очиқ бўлиши мумкин.

Партия аъзолари сайлов чоғида номзодларни чекланмаган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

15. Партия органларининг таркиби, тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ ёки сайланган органнинг айрим ёхуд барча аъзоларининг ихтиёрий равишда истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан, уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўкис қайтадан сайланиши мумкин.

16. Партия ташкилотлари ва унинг сайланма органларида кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаи назарини раҳбар ва ижроия партия органларида, оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, ўз фикрини баённомаларда қайд эттириш, баҳсли масалаларнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари томонидан қабул қилинган қарорлар партиянинг дастурий мақсадлари ва Низомига зид бўлмаса, улар партия юқори органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустаснодир.

17. Партиянинг сайланадиган органлари асосан жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар ўз ваколатлари даврида ўзларига бўйсунадиган, меҳнат шартноналарига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини тузишлари мумкин. Бу аппарат уларнинг фаолиятини ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, таҳминий-социологик тадқиқотлар ўтказиш, ташкилий ишлар ва маслаҳатлар хизмати билан таъминлайди.

18. Партия ташкилотлари ва сайланадиган органлари ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ёки таъсис этувчиларнинг шериклари бўлишлари мумкин.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг негизи ҳисобланади. Улар ташкилотга бирлашишни истовчи камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда, одатда, туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органларига сайловлар бўйича сайлов округи доирасида ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан бирлаштирилган ҳудудлар чегарасида тузилади ҳамда тегишли туман, шаҳар партия кенгаши ижроия бюросида рўйхатга олинади.

Амалдаги қонунчиликка хилоф бўлмаган жойларда бир ишхонада, ишлаб чиқариш бирлашмасида, хўжалик, муассаса, ташкилотда ишловчи партия аъзоларини бирлаштирадиган ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари тузилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ партия тузилмаларини ташкил қилишга йўл қўйилмайдиган ишхоналарда, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи партия аъзолари ҳудудий партия ташкилотларининг бирида ҳисобда турадилар ва ўзларининг партиявий бурчларини иш (хизмат) жойидан ташқарида, ишдан бўш вақтларида бажарадилар.

Ҳудудий ва ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов округи доирасида сайлов даври учун партия ташкилотларининг ҳудудий гуруҳларига бирлашишлари мумкин. Мазкур гуруҳларнинг ишини тегишли туман, шаҳар партия кенгашлари мувофиқлаштириб турадилар.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида цех партия ташкилотларини ёки партия гуруҳларини тузиши мумкин. Цех партия ташкилотида, партия гуруҳида камида 5 нафар партия аъзоси бўлса, бошланғич партия ташкилоти тегишли туман, шаҳар партия кенгаши розилиги билан, партияга аъзолик масалаларида, унга бошланғич ташкилот ҳуқуқини бериши мумкин.

20. Бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ички турмушларига доир масалаларни мустақил ҳал қиладилар. Улар ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатларини билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу партия органи эса масаланинг моҳияти юзасидан жавоб қайтаришга мажбурдир.

Бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсатини тарғиб қиладилар ва тушунтира борадилар, партия қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этадилар. Улар партиядан барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига депутатликка сайланганларнинг сайловчилар ўртасида олиб борадиган ишларидаги таянчи ҳисобланадилар.

21. Умумий партия йиғилиши бошланғич, цех партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Йиғилиш заруратга қараб, аммо, камида йилнинг ҳар чорагида бир марта ўтказилади. Умумий йиғилиш ўтказишнинг иложи бўлмаган тақдирда цех ташкилотлари ёки партия гуруҳларида ягона кун тартиби билан йиғилишлар ёки конференция ўтказилиши мумкин.

Бошланғич, цех партия ташкилотлари, партия гуруҳларининг умумий йиғилиши (конференцияси) жорий ишларни олиб бориш учун ижроия бюрони ва унинг котибини ёки котиб ва унинг ўринбосарини икки-уч йилга сайлайди. Бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси) ўзининг мухтор вакилини ХДП туман, шаҳар кенгашига вакил қилади.

6

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

22. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон республика ташкилоти партия сиёсатининг умумий қоидаларига ҳамда партия олий ва марказий органларининг қарорларига амал қилиб, Қорақалпоғистон Республикасини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий-маданий жиҳатдан ривожлантиришга тааллуқли масалаларда ўз йўлини мустақил равишда белгилайди ва амалга оширади. Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси таркибига ўз вакилини йўллаш ҳуқуқидан фойдаланади.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят партия ташкилоти мақомига эга.

Бошланғич ташкилотларни бирлаштирувчи туман ва шаҳар партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таркибий таянч бўғинларидир.

Туман, шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари ўз ҳудудлари доирасида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ва унинг сиёсати аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш юзасидан иш олиб борадилар.

23. Партия конференцияси Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотининг юқори раҳбар органи бўлиб, тегишли партия кенгашининг қарорига, юқори партия органининг таклифига ёки мазкур партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан чақирилади. Навбатдаги партия конференциялари беш йилда бир марта чақирилади.

24. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгаши доимий ишловчи раҳбар органи бўлиб, асосан, қўйи партия ташкилотларининг белгиланган тенг миқдор бўйича ваколат билан юборилган тўла ҳуқуқли вакилларидан иборат бўлади. Конференция тегишли кенгаш аъзоларининг бир қисмини қўшимча равишда сайлаши мумкин. Бунда мана шу қисм улар умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига сайлаш учун белгиланган миқдор тегишли кенгаш пленуми томонидан, туман ва шаҳар партия кенгашлари билан келишилган ҳолда, одатда, конференция чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда тасдиқланади. Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар кенгашларига ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, одатда, биттадан вакил юборади.

25. Конференция тегишли партия кенгашига беш йил муддат билан зарур ваколатлар беради, унинг аъзоларидан бир қисмини қўшимча равишда, шунингдек, тафтиш комиссиясини сайлайди. Конференция партия кенгаши ва тафтиш комиссияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тегишли ҳокимият вакиллик органидаги расмий фракцияси фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади, партия ташкилоти ишининг устивор йўналишларини белгилайди, юқори партия кенгашига белгиланган миқдорда ўз вакилларини сайлайди.

Қорақалпоғистон республика партия конференцияси беш йил муддатга республика партия ташкилотининг раисини сайлайди. У Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига сайланган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайлаш учун номзод бўлади.

26. Конференциялар оралиғидаги даврда кенгаш тегишли партия ташкилотининг манфаатларини ифодалайди, конференцияларнинг ва юқори партия органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этиб, ўзига ҳисобот бериб турувчи органлар ва қўйи ташкилотларнинг ишига раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ХДПнинг тегишли ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракцияси билан ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлайди.

Кенгаш ўз пленумида ўзининг таркибидан кенгаш котибларини ва ижроия бюросининг бошқа аъзоларини беш йил муддатга сайлайди, зарур бўлган ҳолларда, конференция сайлаган ўз аъзолари таркибини қисман янгилайди, ижроия бюронинг ваколатларини ва ишининг асосий йўналишларини белгилайди, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ва Ўзбекистон ХДПнинг тегишли ҳокимият вакиллик органларидаги расмий фракцияси иши тўғрисидаги ахборотларни ҳар йили тинглаб туради.

Кенгаш пленумлари заруратга қараб, аммо, камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ваколатга эга бўлади.

27. Ижроия бюро тегишли кенгашнинг қарорлари бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда қўйи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, кенгашнинг ишчи аппаратига бевосита раҳбарлик қилади.

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

28. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойи унинг олий раҳбар органидир. Навбатдаги қурултойлар партия Марказий Кенгаши томонидан ҳар 5 йилда бир марта, одатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказиладиган кампания бошланишидан олдин чақирилади. Марказий Кенгашнинг қурултойни чақириш, унинг кун тартиби ва вакиллик меъёри тўғрисидаги қарори қурултойга камида икки ой муддат

7

қолганда эълон қилинади.

Партиянинг навбатдан ташқари (фавқулодда) қурултойи Марказий Кенгашнинг ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Бу ҳолда у Марказий Кенгаш томонидан бир ой муддат ичида чақирилади ва унда барча партия аъзоларининг камида ярмининг вакиллиги таъминланган тақдирда тегишли ваколатга эга бўлади.

29. Марказий Кенгаш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойлар оралиғидаги даврда партиянинг юқори раҳбар органи ҳисобланади. У, асосан, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг белгиланган тенг миқдор бўйича ваколат билан юборилган вакилларидан иборат бўлади. Қурултой Марказий Кенгаш аъзоларининг бир қисмини қўшимча равишда сайлаши мумкин, бунда мана шу қисм улар умумий сонининг бешдан бир ҳиссасидан ошмаслиги керак.

Марказий Кенгашга сайлаш учун белгиланган миқдор, унинг пленуми томонидан Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари билан келишилган ҳолда, одатда, қурултой чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда тасдиқланади.

30. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойи:

— делегатларнинг ваколатларини текширади, ўзининг иш тартибини белгилайди, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлайди;

— Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан партиянинг нуқтаи назарини ишлаб чиқади, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастурини, бошқа умумпартиявий сиёсий ҳужжатларни қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиради;

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низомини қабул қилади, зарур ҳолларда, уни қайта кўриб чиқади, ўзгартиришлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритади;

— Марказий Кенгашга беш йил муддат билан зарур ваколатлар беради, унинг аъзоларидан бир қисмини ва партиянинг Марказий Тафтиш комиссиясини сайлайди;

— Марказий Кенгаш, Марказий Тафтиш комиссияси, қурултой сайлайдиган бошқа органлар ҳамда шахсларнинг ҳисобот ва маърузаларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ўзбекистон ХДПнинг расмий фракцияси фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— партиянинг Раисини сайлайди, айни вақтда уни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш учун номзод қилиб кўрсатади.

Қурултой қарорлари партиянинг барча аъзоларига етказилиши шарт.

31. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси унинг раҳбари сифатида қурултойларнинг ишини бошқаради ва партия қурултойига ҳисобот бериб туради. У мазкур лавозимга кўпи билан сурункасига икки муддатга сайланади.

Партия Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига унинг расмий номзоди ҳисобланади ва ана шу лавозимга сайланган тақдирда партиянинг раҳбари бўлиб қолаверади. Партия ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган органлари унинг сиёсий фаолияти қўллаб-қувватланишини таъминлайдилар.

32. Партия Марказий Кенгаши:

— қурултойлар оралиғидаги даврда партия сиёсати ва амалий фаолиятининг етилган масалаларини муҳокама қилади, улар юзасидан барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни ва, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ва Низоми доирасида, бошқа умумпартиявий ҳужжатларни қабул қилади;

— ўз пленумида ўзининг таркибидан Марказий Кенгашнинг Сиёсий ижроия қўмитасини, шу жумладан, Марказий Кенгашнинг биринчи котиби ва котибларини беш йил муддатга сайлайди, МК Котибиятини шакллантиради ва унга тегишли ваколатларни беради, зарур бўлган ҳолларда, қурултой сайлайдиган МК аъзолари таркибини қисман янгилайди;

— Сиёсий ижроия қўмита ҳамда Котибият ваколатларини ва уларнинг асосий иш йўналишларини белгилайди;

— ҳар йили Сиёсий ижроия қўмитанинг иши тўғрисидаги ҳисоботларни ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги расмий фракцияси фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тинглайди;

— партия оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирларини тасдиқлайди;

— Низом айрим қоидаларининг қўлланиш тартибини аниқлаб берувчи, барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган, меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси қурултойи унга берадиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Марказий Кенгашнинг пленумлари заруратга қараб, аммо, йилда камида бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўлади.

8

33. Сиёсий ижроия қўмита партиянинг доимий ижроия ва мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади. Сиёсий ижроия қўмита МК пленумлари оралиғидаги даврда:

— партия қурултойлари ва Марказий Кенгаш пленумлари қарорлари бажарилишини ташкил қилади ва Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги расмий фракцияси билан ўзаро ҳамжиҳатликда ишлайди;

— бошқа партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, шу жумладан, чет эллардаги шундай ташкилот ва ҳаракатлар билан муносабатларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вакиллигини таъминлайди;

— партиянинг муассасаларини, корхоналарини ташкил этади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади;

— Марказий Кенгаш пленуми унга берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сиёсий ижроия қўмитанинг мажлислари заруратга қараб, камида уч ойда бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга, деб ҳисобланади. Сиёсий ижроия қўмита ишини биринчи котиб, у бўлмаганда, Марказий Кенгаш котибларидан бири олиб боради.

34. Котибият партия Марказий Кенгашининг доимий ижроия-фармойиш берувчи органи бўлиб, у партия барча бўғинларининг Ўзбекистон ХДП МК ва унинг Сиёсий ижроия қўмитаси қарорлари бажарилиши бўйича ишларини мувофиқлаштиради ҳамда МК ишчи аппаратига раҳбарлик қилади.

Котибият таркиби МК котиблари ва Марказий Кенгаш томонидан унга киритилган бошқа партия аъзоларидан иборат бўлади. Котибият мажлислари заруратга қараб, одатда, ойига бир марта ўтказилади.

35. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида партия Низомига ва қурултой тасдиқлайдиган комиссия ҳақидаги Низомга амал қилади.

Марказий Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг аъзолари бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

IV. БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

36. Ўзбекистон Халқ демократ

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 3

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб...»
18.45 «Таълим — мустақиллик пойдевори».
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармон ва ижро».
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Насрулло Қобил. «Амир Музаффар». Видеоспектакль. 1-қисм.
22.45 Футбол буйича Узбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Нурафшон».
23.35 — 24.00 «Узбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Экология ва ҳаёт».
19.30 «Деҳқон ҳиммати».
20.00 «Само остидаги юлдузлар».
20.40 — 21.50 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Зор-интизор». Бадиий фильм.

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ишбилармон».

«ОМАД» таништиради:

19.15 «Совга».
19.45 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.05 Жаҳон географияси.
20.55 Эълонлар.
21.00 Видео—«О».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Курьер».
23.05 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.15 «Постфактум».
23.20 — 23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Шеърият альбоми».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.00 «Агар...» Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.05 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал. 3-фильм.
22.00 Владимир Максимовни хотирлаб...
22.40 — 23.15 «Барча юлдузлар» кабареси.

СЕШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Баҳорги олимпиада ёки Хор бошлиғи». Бадиий фильм.
9.10 «Халқ хизматида». Телефильм.
9.30 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
10.00 Немис тили.
10.30 Уқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Тадбиркорлик мактаби».
11.30 Уқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 — 14.00 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Тараққиёт».
18.55 «Гул куп, чаман куп».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хотира». Узбекистон халқ ёзувчиси Шухрат.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мусиқий қадриятларимиз». «Мерос» халқ чолғулари ансамбли (Андижон).
22.15 Насрулло Қобил. «Амир Музаффар». Видеоспектакль. 2-қисм.
23.25 — 23.50 «Узбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
19.15 Янгиликлар.
19.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.05 Видеогид.
20.25 «Теле-ателье-шоу».
20.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.55 — 23.15 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Бозор иқтисоди сабоқлари».
19.25 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 «Менинг маҳаллам».
21.30 «Узбекистон — ҳамкорлик йўлида».
22.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.20 — 23.00 «Барча юлдузлар». Билли Холидей.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 Галабанинг 50 йиллигига. «Тирикларни чорлайман...» «Тўртинчи». Бадиий фильм, («Мосфильм». 1972 й.).
22.05 «Талқин».
22.25 — 22.55 «Гол».

ЧОРШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Коинот гражданлари». Бадиий фильм.
9.05 «Кафолат».
9.30 «Диёр тароналари». Концерт.
10.00 «Кичкинтой» студияси. «Кўғирчоқлар — менинг дўстларим».
10.30 Уқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Уқув кўрсатуви. Ботаника.
12.00 — 14.00 «Ёшлик» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Усмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.40 «Нон таъми».
19.00 «Тилга эътибор...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.05 «Хонанда билан учрашув». Козим Қаюмов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Узбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Сирдарё вилояти.
22.10 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45 — 00.10 «Узбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Шоҳсупа сари» (рус тилида).
19.00 «Ёдингдами, дўстим...»
19.15 «02» тўлқинида.
19.40 «Тошкент оқшомида».
20.40 — 22.20 «Кинематограф».

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Баҳор манзаралари».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:

20.20 — 23.20 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 1995 йил қушиқлари.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Оила бахт-саодати учун». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Талқин».
22.40 — 23.00 «Джаз мусиқаси оламида».

ПАЙШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
9.20 «Беллашув». Телефильм.
9.30 Инглиз тили.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Оқар дарёлар».
10.30 Уқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Саломат бўлинг!»
11.20 «Ҳайкалтарош». Телефильм.
11.30 Уқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.20 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Фахрийлар — фахримиз».
13.10 «Анбар Отин». Таваллудининг 125 йиллигига бағишланади.
13.55 — 14.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Чаман» гулдастаси.
18.35 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
19.10 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-шоу». Телетанлов ўйинлари.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Миллионлар минбари».
22.10 «Бир жуфт қушиқ».
22.20 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 2-серия.
23.55 — 00.20 «Узбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кунгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.25 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.45 «Теле-ателье-шоу».
19.55 Видео янгиликлари.
20.20 Янгиликлар.
20.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 — 23.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Қалб ҳарорати».
22.15 — 23.45 Футбол. Чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Пари-Сен-Жермен» (Франция) — «Милан» (Италия). Франциядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Бавария» (Германия) — «Аякс» (Голландия). Германиядан кўрсатилади.
21.30 — 21.40 «Талқин».

ЖУМА, 7

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Дон-Кихотнинг фарзандлари». Бадиий фильм.
9.05 «Ҳуррият Исроилова куйлайди». Фильм-концерт («Узбектелефильм»)
9.35 «Баҳорги юмушлар».
10.00 Ёшлар билан юзма-юз.
10.30 Уқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 Уқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 «Болалар меҳмонхонаси».
12.30 — 13.20 «Узингни эр билсанг...»

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Жаҳон саломатлик кунига бағишланади.
18.55 «Бугунги Индонезия».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Жаҳон киносининг 100 йиллигига. «Аср муъжизаси». Кинокўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Мақом кечаси.
22.20 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Тақдир эшиги». Бадиий фильм.
23.35 — 24.00 «Узбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун фильм.
19.10 «Билиб қўйган яхши».
19.35 «Баҳор нашидаси».
19.50 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
20.20 «5+1».
20.55 — 22.45 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Нормандия — Неман». Бадиий фильм.

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:

20.15 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Панорама».
21.00 «Компьютер-Осиё».
21.30 «Даракчи».
21.40 Эълонлар.
21.45 — 23.25 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».

***

18.00 В. Городовский асарларидан концерт.
18.25 Рудольф Нуриев. Портретга чизгилар.
18.55 «Муъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал. 4-фильм.
21.45 — 22.00 «Талқин».

ШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Зимородок». Бадиий фильм.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
10.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ой бориб, омон қайтганлар». Адабий кўрсатув.
11.00 «Ороллар бағридаги Банг-кок».
11.30 — 13.30 «Тимсол» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб...»
18.40 «Мусиқа жавони» саҳифаларида.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Улуғбек ёндирган юлдузлар». Телефильм.
20.05 «Романс кечаси». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдухалил Абдуқодиров куйлайди.
20.30 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
22.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
9.45 Янгиликлар.
9.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.35 Видеогид.
10.55 «Теле-ателье-шоу».
11.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 «Кинонигоҳ».
13.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
13.45 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Глобус».
19.40 Мусиқий жилолар.
20.10 «Элас».
21.10 — 22.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Дўстлик чегара билмайди».
10.40 «Дўстларимиз сайёраси».
11.20 — 12.05 «Адолат».

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
19.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
20.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.40 «Чинсэн».
21.20 «Сахий хонадонда».
21.50 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.30 — 23.20 Футбол. Узбекистон чемпионати. «Пахтакор»—«Наврўз».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.25 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
18.05 Ёдимизда қолган фильмлар. «Қанотлар». Бадиий фильм («Мосфильм», 1966 й.).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал. 5-фильм — якунловчи.

ЯКШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Қувноқ старлар».
9.00 Мультфильм.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Санъат олами».
11.00 Эстрада қаҳвахонаси.
11.30 Футбол буйича Узбекистон чемпионати. «Навбаҳор»—«Нефтчи».
12.20 — 13.30 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.35 «Мозийга бир назар».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Темур ва Темурийлар». Кинодастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Ватанни севмоқ иймондандир...»
22.35 Дам олиш концерти.
23.10 — 23.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кунгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.55 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.15 «Теле-ателье-шоу».
11.25 Видео янгиликлари.
11.50 Янгиликлар.
11.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 «Кинонигоҳ».
14.20 — 14.40 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»)

***

17.00 «Совга».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Панорама.»
22.15 «Салом, ёшлар!»
23.00 «Даракчи».
23.10 Эълонлар.
23.15 — 00.55 Видео — «О».

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Мультфильм.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Коллекция».
10.20 «Менинг кўчам».
10.35 «Олтин атиргул» ғори». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Италия), 11-серия (рус тилида).
11.25 «Маски-шоу».
11.40 «Кинематограф».
13.20 — 13.30 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Ёшлик» студияси. «Аскар мактублари».
19.20 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Олмониянинг олтин хазиналари».
21.00 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 «Юксалиш».
22.50 «Би-Би-Си» янгиликлари.
23.00 «Бу ажиб дунё».
23.20 — 23.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Юзма-юз».
18.30 «Дўстлар парадизи».
19.10 Жерар Депардье «Отам — жазманим» кинокомедиясида (Франция, 1991 й.).
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45 — 23.30 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 1-серия (Польша телевидениеси, 1988 й.).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисидаги» қарори билан шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб бу кодекслар амалга киритилади. Шу муносабат билан республика Прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди Бахтиёр Халилович ПЎЛАТОВ билан суҳбатлашдик.

Ҳуқуқий демократик давлат сари

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

— Бахтиёр ака, аввало Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексини эски Жиноят кодексидан фарқлари ҳақида фикр билдирсангиз?

— Амалдаги Жиноят кодекси қабул қилинганида 11 боб 257 та моддадан иборат булиб, кейинчалик унинг кўп моддалари тепасига рақамлар қўйиш билан яна қўшимча жиноят таркиблари киритилди. Бунинг натижасида кодекс моддалари амалда жуда кўпайиб, қиёсий айтадиган бўлсак худди селитра еган қовундай «семириб» кетганди. Бу ундан фойдаланишда қийинчилик туғдирарди. Янгисида эса юқоридаги каби камчиликларга барҳам берилган. У икки, яъни умумий ва махсус қисмларга бўлинган.

— Тадбиқ этиладиган Жиноят кодексида жиноятлар батафсил тавсифлангандир-а?

— Амалдаги Жиноят кодексининг 7[1] моддасида оғир жиноят тушунчаси берилиб, бу жиноятлар жумласига кирадиган моддалар кўрсатилган эди. Ҳозиргисининг 15-моддасида жиноятлар тавсифланган. Бу **ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар** булиб, унга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар кириши: **унча оғир бўлмаган жиноятлар**га қасддан содир этилиб қонунда беш йилдан кўп булмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар кириши, кейингиси оғир **жиноятлар** булиб бунга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ун йилдан кўп булмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар кириши; яна **ўта оғир жиноятлар** қасддан содир этилиб, қонунда ун йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки улим жазоси назарда тутилган жиноятлар кириши кўрсатилган.

— «Иштирокчиликнинг шакллари»га муносабат ҳам кўрсатилганми?

— Жиноят кодексининг 29-моддасифа биноан жиноятда иштирокчилик тўрт хилга бўлинган. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишда иштирок этиши мураккаб иштирокчилик, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб, икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиши учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади, дея кўрсатилган.

— Амалдаги Жиноят кодексининг 21-моддасида «Жазонинг турлари» ёзилган бўлиб, унда «қамоқ» жазоси кўрсатилмаганди.

— Бунисининг 48-моддасида «қамоқ» киритилиб, унда «қамоқ» — шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат булиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади», деб кўрсатилган. «Қамоқ» ҳукм чиқарилган пайтда 16 ёшга тулган шахсларга нисбатан бир ойдан уч ойгача муддатга тайинланади, деб ЖКнинг 84-моддасида кўрсатилган.

— Жазолар тизимида ўлим жазоси ҳам борми?

— Албатта. У янги Жиноят кодексининг 51-моддасида кўрсатилиб, 13 та оғир ва хавфли жиноят турлари учун сақланиб қолган. Қасддан одам ўлдириш 97-модданинг 2-қисми, номусга тегиш 118-модданинг 4-қисми, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайри-табиий усулда қондириш 119-модданинг 4-қисми, агрессия 151-модданинг 2-қисми, урушнинг қонун ва удумларини бузиш 152-модда, геноцид 153-модда, терроризм 155-модданинг 3-қисми, давлатга хоинлик қилиш 157-модданинг 1-қисми, Узбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш 158-модданинг 1-қисми, жосуслик 163-модданинг 1-қисми, жиноий уюшма ташкил қилиш 242-модданинг 1-қисми, контрабанда 246-модданинг 2-қисми, гиёҳвандлик воситалари ва наркотик моддаларни ғайриқонуний равишда сотиш 272-модданинг 2-қисмида кўрсатилган.

— Низо-нифоқлар кучаймаслиги учун ҳам эътирофлар бордир?

— Бу ҳақдаги фикримни Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг шу йил январда булиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида сўзлаган нутқини яна бир эслаш билан қиёслайман. Унда: «Мен бир гапни кўп такрорлаб айтганман. Халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, лекин адолат, ҳақиқат мезони бузилса чидолмайди. Адолат устун булган жойда иш юришади. Юртда файзу барака, одамларда меҳр-оқибат устиворлик касб этади. Адолат булмаган жойда адоват пайдо булади. Кишилар орасида низо-нифоқлар кучаяди» деганди юртбошимиз. Шундан келиб чиқиб, янги Жиноят кодекси 8-моддасида кўрсатилганидек, «Одиллик принципи»ни амалга ошириш, уни иш тажрибасида оғишмай қўллаш керак.

— Бахтиёр ака, энди вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо тизими ҳақида тўхталсангиз?

— Бу Жиноят кодексининг 81-моддасида кўрсатилган булиб, унда 18 ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсларга а) жарима, б) ахлоқ тузатиш ишлари, в) қамоқ, г) озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланилиши мумкинлиги кўзда тутилган. 18 ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

— Эски кодексда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги масаласи фақат битта моддада кўрсатилган эди.

— Янгисида бунга алоҳида иккита боб ажратилган. 13-16 ёшга тулган, 18 ёшга тулмасдан жиноят содир қилганлар учун уларга қандай жазо турлари қўлланишлик, жазони уташ муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, жазони уташ ва бошқа масалалар буйича ўнта модда (81-90 моддалар) бағишланган.

— Вояга етмаганлар қилган жиноятлари учун белгиланган энг кўп жазо муддати қанча?

— Янги ЖКнинг 85-моддасида вояга етмаган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш содир қилинган жиноятнинг характери, ижтимоий хавфлилик даражаси ва шахснинг ёшига қараб белгиланиши қайд қилинган. Жумладан, 13 ёшдан 16 ёшгача жиноят содир қилганларга унча оғир булмаган жиноят учун — уч йилгача, оғир жиноят учун — олти йилгача ва ўта оғир жиноят учун — ун йилгача муддатга тайинланади. 16 ёшдан 18 ёшгача жиноят содир қилинганда: унча оғир булмаган жиноят учун — тўрт йилгача, оғир жиноят учун — етти йилгача ва ўта оғир жиноят учун ун йилгача муддатга тайинланади. Бундай талаб эски ЖКда булган эмас.

Яна айтадиган булсак, ушбу кодекснинг 86-моддасига мувофиқ агар 16 ёшдан 18 ёшгача булган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси — 12 йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларнинг биттаси ўта оғир жиноят булса, 15 йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида 13 ёшдан 18 ёшгача булган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати 15 йилдан ошмаслиги керак.

— Янги кодексда содир этилган оғир жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилганми?

— Ҳа. Қасддан одам ўлдирганлиги учун ҳаракатдаги кодексда 8 йилдан 15 йилгача ёки улим жазоси кўрсатилган булса, янгисида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолларда 97-модда 2 қисмининг «А» бандидан то «С» бандига қадар кўрилган ҳолларда 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки улим жазоси, босқинчилик учун ҳаракатдаги кодексда 127-модданинг 4-қисмида 12 йилдан 15 йилгача, янги кодекснинг 164-модда 4-қисмида 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, номусга текканлик учун ҳаракатдаги кодексда 94-модданинг 4-қисмида 8 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки улим жазоси кўрсатилган булса, янги кодекснинг 118-модда 4-қисми буйича 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки улим жазоси белгиланган.

— Бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз. Янги Жиноят кодексида бу ҳам алоҳида эътиборга олингандир?

— Бўлмасам-чи, Жиноят кодекси махсус қисмининг 12 бобига «Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар» киритилган. Шу бобнинг 175-моддасига «Узбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш», чет эл валютасини яшириш — 178-модда; сохта тадбиркорлик — 179-модда; сохта банкротлик — 180-модда; банкротликни яшириш — 181-модда; божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш — 182-модда; монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш — 183-модда; солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан буйин товлаш — 184-модда; қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш — 185-модда; назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан утишдан буйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш — 188-модда; фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш — 190-модда; сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш — 191-модда; рақобатчини обрусизлантириш 192-моддалар киритилган.

— Олдинги Жиноят кодексида бор-у, бунисидан тушириб қолдирилган моддалар ҳам борми?

— Утган йилнинг 23 сентябрида Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Узбекистон Республикасининг айрим қонунларига узгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунга биноан Жиноят кодекси 180-4 модда билан тўлдирилиб, 198-2 моддаси янги таҳрирда берилган. Ва утган йил 22 сентябрда тасдиқланган янги Жиноят кодексининг 224-моддасига, юқоридаги янги таҳрирда берилган 198-2 моддаси тўлиқ узгаришсиз кучиртирилган, «Дори-дармонлар ёки тиббий буюмларни сотиш ҳақида»ги 180-4 модда билан эски Жиноят кодекси тўлдирилган булса-да, янги Жиноят кодексида бу модда нимагадир мутлақо киритилмаган. Бунинг сабабини урганиш лозим деб ҳисоблаймиз.

— Яна бир масалага аниқлик киритсангиз. Биринчи апрелгача бўлган жиноий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, тергов ишлари нима бўлади?

— 1959 йил 21 майда қабул қилинган Жиноят кодексига мувофиқ шу йилнинг 1 апрелига қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари утган йил 22 сентябрда қабул қилинган Узбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги «Узбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят процессуал кодексларини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг иккинчи бандида жазонинг барча туридан (асосий ва қўшимча жазолардан) озод қилинсин деб кўрсатилган. Қарорнинг учинчи бандида эса Жиноят кодексига мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларининг юритишидаги ишлар тугатилсин, деб кўрсатилган.

Қурбон АЛИ суҳбатлашди.

Ҳамкасбимизни қутлаймиз

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг қарорига биноан, Бобохон Шарипов партиямизнинг ижтимоий-сиёсий газетаси — «Голос Узбекистана» ҳафтаномасининг бош муҳаррири этиб тайинланди.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси ҳамкасбимиз Б. Шариповни янги лавозим билан чин кўнгилдан табриклаб, унга муваффақиятлар тилайди.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «САБО-С» фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

-1-

Муҳиддин ДАРВИШЕВ:

— Биз Фарғонадан бугун келдик. Чойхонанинг қурилишида бошдан оёқ қатнашолмаган бўлсак-да, тилпонда «ҳорма-бор бўл» қилиб турганмиз. Бино жа-а яхши, тўрт қаватли, ости емакхона, юқориси меҳмонхона бўлибдию, аммо биздақаларга пастлик қилса кераг-ов...

— Нима учун?

— Қуруқ гап хотинга ҳам ёқмайди. Шу туфайли бир мисол.

Афанди кунларнинг бирида сафарга чиқибди. Катта шаҳарга келгач, бизди чойхонага ўхшаш тўрт қаватли меҳмонхона топибди. У ерга кириб жойлашмоқчи бўлибди-да, ижара ҳақини сўрабди. «Биздаги нархлар ҳар қаватда турлича. Биринчи қаватда истиқомат қилиш кунига 100 сўм, иккинчи қават — 90 сўм, учинчиси — 80 сўмдан, тўртинчи қават — 70 ...»

Хизматчи гапини тугатмасидан Афанди юкини олиб секин қайтаётганмиш.

— Ҳа, биродар! Нимаси маъқул келмади? — дейишса, «Меҳмонхонангиз сал пастроқ қурилган эканда, деб жавоб қилган экан...

-2-

— Эй, Муҳиддин оға, меҳмонхонанинг пастроғи яхши-е! — дея гапга аралашиб кетди самарқандлик **Худойберди ЗИЁДОВ.** — Мана мен яқинда Францияда бўлдим. Ишонасизми, 20 қаватли бинонинг энг юқорисидан бир камера.. эй, худо сақласин-е, хона насиб қилган экан бизга. Қарангки, Ўзбекистондан борган бир отахон ҳамхона бўлиб қолдилар. Ҳожибой акамиз таърифлаган ко-федан ичиб, иккаламиз гурунг қилиб ётибмиз. Бир куни шаҳар айланиб қайтиб келсак, лифт дегани ишламай қопти-да! Бир соатдан кўпроқ кутдик — тузалмади. Ахири у кишини пиёда кўтарилишга зўрға кўндирдим. Толиқиб қолмасинлар деб қизиқ-қизиқ латифалардан айтиб бордим. Йигирманчи қаватгача ҳам тинмай гапириб, ҳам отахонни қўлтиқлаб чиққунимча она сутим оғзимга келди-ёв! Хонамизгача етиб келгач, у киши миннатдор бўлиб, елкамга қоқиб дедилар:

— Раҳмат болам, раҳмат. Роса ҳангомалар айтиб чиқдинг. Энди шу сенга ҳам бир латифа айтсам хафа бўлмайсанми?

— Йўғ-е, бемалол.

— Калит пастда қолибди-да...

-3-

Андижонлик **Абдулла АКБАРОВ** уйқусираб бенавбат сўз олди:

— Сизди отахон ҳам бизди Сафарали бувага ўхшар экан. Сафарали бувам Московга бориб, бир француз билан ҳамхона бўлиб қолибди. Сафарали умуман ўрисчани билмайди, француз эса ўрисчалаб «Ёқимли иштаҳа» дейишни биларкан, холос. Нонуштага ўтиришса французи тушмагур илтифот билан ўрнидан туриб «ёқимли иштаҳа», деб қўяр экан. Бува эса тушунмасдан, отимни сўраяпти шекилли, деб тик туриб «Сафарали. Йўлда туғилганмиз, шунга», дер эканлар. Тушликка чиқсалар, француз яна ўрнидан туриб:

— Ёқимли иштаҳа! — дебди.

— Сафарали, дедим-ку! Бува оғриниб жавоб қилибди. — Йўлда туғилганмиз. Шунга Сафарали деб исм қўйишган.

Кечки овқатга ўтиришса, француз яна ўша гапини такрорлабди. Бувaнинг жон-пони чиқиб кетибди.

— Сафарали! Сафарали! Йўлда туғилганмиз, шунга Сафарали деб исм қўйишган, тушундингми?! — деб бақириб ташқарига чиқиб кетибди. Тумтайиб йўлда кетаётган экан, таниши учраб ҳол-аҳвол сурабди.

— Хун қилиб юборди! Энди чидолмайман.

— Отингни сураётгани йўқ экан у, — таниши тушунтирибди. — Сенга ёқимли иштаҳа тилабди.

Сафарали хурсанд бўлиб ортига қайтибди. Француз овқатни паққос тушираётган экан. Бува илтифот билан:

— Ёқимли иштаҳа, — дебди.

Француз ҳам ўрнидан туриб, жавоб қайтарибди:

— Сафарали!

«БИРИНЧИ АПРЕЛЬ» ДАҲАСИДАГИ УЧРАШУВ

Катта байрам. Пойтахтликлар ана шу сана арафасида қўли пул... (узр) гул қурувчилардан ажойиб туҳфа олишди. Куни-кеча қоқ «обед» пайтида «1 апрель» даҳаси марказида қад кўтарган «Шунчаки ҳазил» чойхонаси фойдаланишга топширилди. Чойхонанинг очилиш маросимида иштирок этиб, ошдан... (узр), фурсатдан фойдаланиб «кулувчи-қурувчилардан» бир нечасини диктафонга таклиф қилдик:

-6-

«Қурувчи-кулувчи»лар гурунги узоқ давом этди. Суҳбат иштирокчилари «Шунчаки ҳазил» чойхонаси қурилиши ташаббускорларидан бири, шу кунги «обед» муаллифи» — **Обид АСОМОВ**га Аския фондидан катта миқдорда пул мукофоти ажратишга муваффақ бўлишди.

— Бир оғайнимиз ҳам яқинда ДАН ходимлари томонидан мукофотланган экан, — деди Обиджон. — Аслида воқеа бундай бўлган.

ДАН ходимлари мажлис ўтказишиб, минг сўм пул мукофоти ажратиб, уни йўл қоидаларига тўла риоя қилиб юрадиган шоферга беришга аҳд қилишибди. Кўрикни бошлаб, постда турган экан, бир «Жигули» секин келаётган эмиш. «Мана биз орзу қилган шофер» деб шарт уни тўхтатишибди.

— Яшанг, ўрток ҳайдовчи. Мана шу минг сўм сизники бўлди. Мукофот муборак!

— Раҳмат, акахонлар! Энди бу пулга битта «права» сотиб олсак ҳам бўларкан!

— Ие, ҳали ҳужжатингиз йўқмиди? Юринг бу ёққа.

Уни ичкарига олиб кириб кетишибди. Ҳадеганда рухсат беришавермагач, хотини орқасидан кириб борибди.

— Қўйинглар, шу ичволган одам билан тенг бўлманглар, — дея илтимос қилибди у.

— Оббо, ҳужжатсиз юрганингиз камлик қилганидек, ҳали маст ҳолда рулга ўтирганмидингиз? Бу ёғи неча пулдан тушди? — деб туришса машина ичидан бир кампир чиқибди:

— Айтдим-а, ҳой куёв, ўгирланган мошина билан узоққа бориб бўлмайди, деб.

Тортишувлар чўзилиб кетгач, «Жигули»да ухлаб ўтирган чол ҳам уйғониб кетибди.

— Ҳа, нима шовқин? Ё чегарага етиб келдикми?

Тўхтамурод ҲАСАНБОЙ ва Норқобил ЖАЛИЛ ёзиб олди.

-4-

Шу пайт даврада ўтирган қашқадарёлик ота-бола «қурувчи»лар **Анваржон ва Шерзоджон Боймуродов**лар секин ташқарига йўналишди. Шерзоднинг гапи қулоққа чалинди.

— Дада, кўп ичманг, башарангиз Никулинга ўхшаб қолаяпти. Пайтдан фойдаланиб «Никулин»ни суҳбатга тортамиз.

— Тинчликми, Анвар ака. Ростданам...

— Эй, шу танамга 50 грамм аралашганда ҳеч ким менга лифт ҳақида гапирмасада! Бир латифа.

Уч оғайни зиёфатдан қайтишибди. Маст бўлиб, темир йўл шпалларидан эмаклаб боришаётган экан, биринчиси дебди:

— Ж-жин, урсин, жуда баланд зиналар эканми...

Иккинчиси:

— Суянчиқлариям паст экан.

Учинчиси:

— Ҳечқиси йўқ, йигитлар. Қаранг-ана, лифт келаяпти, — деган экан шитоб билан келаётган поездга ишора қилиб.

-5-

Фарғоналик «қурувчи» **Абдураҳмон СИДДИҚОВ** узича «лифт»ни тўхтатмоқчи бўлдими, бирдан «стой», кто идёш?» деб юборди. Ҳаяжонли вазиятдан фойдаланиб шарт микрафонни тутдик.

— Узр, ҳурматли «қурувчи-кулувчилар» — дея давом этди у. — Хавфли воқеаларни эшитсам, Мамарайим ошнамнинг ҳарбий хизматда қандай соқчи бўлгани эсимга тушаверади.

Йигитчилик. Мамарайим ҳам кўп қатори армияга бориб қопти. Соддагина ўзбек. Умрида ўрис қизига гап отмаган. Қишлоқлик йигит-да! Россиянинг ўрмонларида тунда постда турганмиш. Атроф зим-зиё. Шу пайт қоровул бошлиғи соқчини бир текшириб кўрмоқчи бўлибди. Мамарайим жуда қўрқиб турган экан, «шип-шип» товушдан шарт ўша томонга автоматни ўқталибди:— «Стой, кто идёш?»

Бу чалкаш саволдан зобит «ҳа ўзимизни солдат, таниб ҳазиллашяпти-да» деб. «Ну, я иду, я!» деб, жавоб қилибди. Мамарайим иккинчи марта бақирибди. Жавоб яна шу. Сўнг у «Ҳа, энди учинчиси ҳалол-да» деб яна бир мартта.

«Стой, кто идёш?» дебди-да «уставной» жавоб бўлмагач, «пақ» этиб тепкини босиб, «всё, больше не идёш» деган экан...

Бу қишлоқ Шаҳрисабзда машҳур. Ўн одам йиғилса оммағонликларни эсламаса бўлмайди. Халқи чапани. Олдин қўлдиради, кейин дастурхон ёзади. Мамлакатимизда 1 апрель кулги куни бўлса у ерда йил — ўн икки ой аския, кулги, ҳангома...

ОММАҒОН ЛАТИФАЛАРИ

ҚУШНИНИНГ ТОВУҒИ

Шумлиги тутган Абдураҳмонбек қўшниси Аҳмадни туширмоқ ниятида режа тузибди. Аммо биронтасиниям уддалолмай хуноб бўлиб юрган кезлари экан.

— Қандай қилиб Аҳмадни кулги қилдирсам экан-а!

Ана шу ўйда уйқуси қочган Абдураҳмонбекнинг қулоғига товуқнинг қағиллагани эшитилибди.

«Алламаҳалда кимдир товуқ сўймоқчи чоғи». Узича шивирлабди у. Ва ўрнидан туриб ташқарига қарабди. Ўша пайт товуқларнинг патир-путири, қақир-қуқури авжига чиқибди. Яхшилаб эътибор берса, овоз қўшниси Аҳмаднинг ҳовлисидан эшитилаётганмиш. Дарров фаҳмлабди. Катакка тулки кирган.

— Жуда яхши бўлди-да, — севиниб кетибди Абдураҳмонбек. — Худонинг ўзи етказди. Шу кетишда Аҳмаднинг катагида эрталабгача товуқ қолмайди. Тонгда туриб суюнчи оладиган бўлдим-да.

Абдураҳмонбек ўзича маст бўлиб анчагача ухлолмабди. Катакдаги қий-чувдан ҳузурланибди.

— Бўйнини узиб ташла. Е, жонивор, Аҳмаднинг семиз-семиз товуқларини. Қолдирма...

Барвақт уйғонган Абдураҳмонбек ювиниб-тараниб қўшнисининг ҳовлисига қарабди. Товуқлар кўринмас эмиш. У бирам суюнибди, бирам суюнибди.

— Ҳали хабар топмаган кўринади, шекилли. Билдириб қўйиш баҳона устидан бир кулай.

Абдураҳмонбек шу ўйда энди қадам ташлаган экан Аҳмаднинг оиласи катакни очиб юборибди-да, товуқларга «ту-ту»лаб дон сочаверибди. Оқ, қизил, қора товуқлар донга ташланибди.

Шу лаҳзада Абдураҳмонбекнинг миясига чақмоқ чақиб, чопганича ўзининг товуқлари қамалган каттак олдига келибди. Қараса, катак шип-шийдон. Чала ғажилган, бўйни узилган товуқлари тартибсиз сочилиб ётганмиш...

БЎҒОЛТИР ПОДА БОКАДИ

Навбати етиб, Зиёдулла бўғолтир гузарнинг молини боқишга чиқибди. Таёқ ушлашни билган ҳамма боласи унга эргашибди. Ота-болалар кун бўйи елиб, югуриб яйлов кезибдилар. Пода энг ўтлоқ жойларда боқилибди. Ҳам ўзларининг, ҳам халқнинг молини шу тариқа тўйдириб, номозшомда қишлоққа ҳайдашибди.

Ҳориб-чарчаб уйга киришибди. Чой келтирилибди. Бир пас дам олибдилар. Кўни-кўшни мол-ҳолини оғилига қамабдияму бўғолтирнинг чорваси келмасмиш.

— Подага бирон-бир жондор оралаган бўлмаса. Қуриққа ёйганимиз йўқ эди, ботиб қолган десак. Биттасиям келмагани қизиқ бўлди-ку.

Бўғолтир шу хавотир билан кўчага чиқибди, уйга кирибди. Бировдан сўраб-суриштириш уят. Чўпонлик қилиб, молини даштда қолдирганини эшитишса балога қолади. Каттасиям, кичигиям масхаралаб юрадида.

— Бу ёғи нима бўлади энди? Бутун бошли қўрадан айрилиб қоламизку жим ётиш-да. Бўлиниб қолгандир савиллар. Адирдаги ўнқир-чўқур, жарликни ахтармасам бўлмайди чоғи.

Бўғолтир бир фикрга келиб, энди дарвозадан чиққан экан болалари ортидан чувуллашибди.

— Ота, қайтинг, молларимиз бор экан?! Ҳаммаси қўтонда.

...Эртасигаёқ гап оғиздан-оғизга ўтиб, қишлоққа ёйилибди.

— Зиёдулла бўғолтир гузарнинг молини далага ҳайдаб кетган кун ўзининг қўй-эчки, сигири оғилда қолган экан!

ЭЧКИ ЖУНИНИ ҚИРҚИШ УСУЛИ

Жун қирқими мавсумида Ҳиммат ака ишдан эртароқ қайтибди. Мойлаб қўйилган қайчини олволиб қўтонга кирибди.

— Мана шу човучнинг жунини қирқишдан бошлай қолай ишни. Жуда ҳурпайиб кетибди. Бута-мутазорга илиниб, қолиб кетмасин тағин.

Хаёлидан ўтгани ўзига маъқул тушибди. Эчкини тушовлаб ётқизибди. Бир қарич қирқиб-қирқмай човуч типирчилармиш. Умуман тинч турмасмиш денг.

Ҳиммат ака чорвага аралашиб юрган одаммасми, унинг ҳам йўлини қилибди. Эчкининг бўйин томонига ўтириб олиб ишни давом эттиравeрибди. Зум ўтмай маъраша, типирчилашам тўхтабди.

— Эртароқ шундай қилмайманми. Ҳалигача иккинчисиниям тинчитган бўлардим.

Ҳиммат ака ўзини қойийкойий човучни қирқиб бўлибди. Жунни йиғиштириб, эчкининг оёғини бўшатсаям, жонивор қимирламасмиш... Човучнинг увушган оёғини уқалаб силкитибди. Қани энди эчки турса. Эгаси бўйнига ўтириб, қирқимни бошлаган заҳотиёқ ўлиб бўлган экан жонивор.

Қурбон ЭШМАТОВ.

КУЛГУГА УЛАНДИ

Кўклам офтобининг заррин нурларида товланган боғ бағрида бир ажиб дастурхон безатилган. Қозонларда ҳалим ва сумалак пишмоқда. Яна бир ошпаз ҳозиргина дамланган ош тагидаги чўғни тортмоқда. Супага териб қўйилган бешиклар ёнидаги онахонлар давра аҳлига қараб ўлан айтдилар. Куй-қўшиқлар кулгуга уланди. Бу жозибали кўриниш Ўзбекистонимизнинг қайси хушманзара қишлоғида экан, деб ўйлашингиз мумкин. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — Наврўзнинг нашъали нафаси куни кеча пойтахтимизнинг марказида жойлашган республика халқ ижодиётини тарғиб қилиш марказига ажиб бир кўркамлик бахш этди. «Ҳақиқий Наврўз бўлибди» — бу сўзни барча бирдай такрорлади. Республика маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев, баҳорнинг толмас қўйчиси Нормурод Нарзуллаев, Ўзбекистон халқ артистлари Роза Каримова, Толибжон Бадинов ва бошқаларнинг қутлов сўзлари ҳам ана шу баҳога ҳамоҳанг янгради.

Камола ТОЖИЕВА.

Қадриятларимиз

ПОКЛИККА ЧОРЛОВ

Мустақил Ўзбекистонимизда «Улуғ ой» — Наврўз бутун борлиққа сепини ёзиб диёр кезмоқда.

Қаҳроқ ерни ёриб чиққан бойчечак одамларга оламнинг яшаришидан, янгиланишидан, яшилланишидан дарак бериб, кулги-ю табассумни, қаҳ-қаҳани биздан ўрганинг, деяётгандек...

Кулган одамларнинг юзларига бир боқинг, улар табассум ёки қаҳ-қаҳ отиб кулганларида шундай очилиб кетадиларки, яратганнинг ўзи бу фазилатидан бенасиб этмасин!

Доноларнинг кишига кулгу бахш этмоқ, бир ботмон қанддан яхшироқ деганларидек, ҳамма замонлар ва айниқса ҳозирги мураккаб ўтиш даврида маънавий қадриятларимизнинг гултожиси бўлмиш кулгу жанрига ўргу бермоқ вақти келди, чунки табассум, кулгу юзни гўзал, истарани иссиқ, дилни пок қилади.

Муҳтарам зот, шарқнинг буюк алломаси имом ат-Термизий ўзининг «Шамоили Муҳаммадийя» рисолаларида Жаноби Расули Акрам саллолоҳу алайҳи васалламнинг кулишлари ҳақидаги баёни бобида: «Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Хорис Розиёллоҳу анҳу дебдулар: Мен жаноби Расули акрам саллолоҳу алайҳи вассаламдан зиёда табассум қиладиган бир зотни кўрмадим. Яъни, кулишларида табассумлари зиёда эрди. Ёки ўзлари нақадар ғамда бўлсалар ҳам саҳобаларга табассум ила мулоқот этур эдилар».

Ўзбеклар, қолаверса, бутун Турон аҳли серзавқ, табассумга мойил, кулгуга ўч халқдир. Қизиқчилик ва аския руҳиятларига сингиб кетган. Очиғини айтиш керак, кейинги вақтда бу юксак туйғу — қадрият, хиёл хира тортиб бормоқда.

Мамлакатимиздаги иқтисодий қийинчиликлар баъзи «билагон ишбилармонлар»нинг ўзингни бил, ўзгани қўй қабилида бойлик тўплаб, халқнинг насибасини виждонсизларча ўмараётганликлари кўпчиликни изтиробга солмоқда. Президентимиз айтганларидек «Бойлигу давлат келади-кетади, аммо комил инсонлардан яхшилик қолади»... ёки ҳазрат Алишер Навоий:

То ҳирсу ҳавас давлати барбод бўлмас,
Эл шод бўлмас, мамлакат обод бўлмас,

деганларидек, ноқобил «ишбилармон»лар, порахўр ходимлар фош қилинадиган вақт келди. Шу ўринда қудратли ижтимоий қурол кулги жанрини ишга соладиган шароит яратилди. Халқнинг «Бир соат қизиқчи қўнган элга қирқ кун нур ёғади», деган нақли бежиз айтилмаган. Эндиликда миллий истиқлол мафкурасидан маданий-маърифий қадриятларнинг қудратли ижтимоий қуроли сифатида кенг фойдаланиш жамиятни соғломлаштиради, покликка ундовчи буюк восита бўлади. Дарҳақиқат, тубдан янгиланиш даврида анъаналарга таяниб иш тутиш, ўтмиш бой анъаналарини янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз лозим. Бу ўринда тарих синовларидан ўтиб, сайқалланиб келаётган сатира жанридан, ўткир ҳажвия, юмор, аския, қизиқчиликдан фойдаланмоғимиз даркор. Буларни ўйлаганимизда Хўжа Насриддин тимсоли гавдаланади. Биз кулгу маскани очиш ҳақида 1983 йилларда республика матбуотида қатор чиқишлар қилиб, кўпгина мутахассислардан, кенг жамоатчиликдан таклиф ва мулоҳазалар олган эдик. Буни қарангки, бизнинг қавмдошларимиз турклар Анқара шаҳрига яқинроқ жойлашган Саврифисар деган шаҳарчага кираверишда доно Хўжа Насриддинга ёдгорлик ҳайкалини ўрнатдилар. Аҳоли ривоятларига қараганда, Хўжа Насриддин шу манзилгоҳда туғилган. Шунинг учун ҳам ҳозир бу ерда музей қуришга тараддуд кўрилмоқда.

Ҳозир АҚШда Кулгу (Гелотология) институти, Болгариянинг Габрово шаҳрида Сатира ва Юмор институти, Болқон томонларда эса юмор Академияси ишлаб турибди. Биз ҳам кўпдан буён шу мавзуда тадқиқот ишлари олиб бориб, анчамунча мерос тўпладик. Ҳамон мустақил республикамиз учун ўзига хос бўлган илмий-маърифий муассаса бўлмоғи даркор, деган фикрни таъкидлаб келяпмиз. Кулгу академияси деб номланган катта бир марказни ташкил этишни кун тартибига қўймоқдамиз. Кулгу муассасаси кўпгина олимларни — санъатшунослар, элшунослар, фольклоршунослар, деонтологлар, руҳшунос шифокорлар ҳамда ҳажвчи шоир ва ёзувчилар, рассомлар, аскиячи ва қизиқчиларни бирлаштирган уюшма бўла олур эди. Бўлажак кулгу академиясининг кўргазма заллари ва бу масканда мунтазам ташкил этиладиган тадбирлар хусусида илмий жиҳатдан мукаммал режаларимиз тайёр.

Яна бир мулоҳаза: республикамизнинг турли шаҳар ва вилоятларида кулгу кунлари ўтказиб келинмоқда. Шу ўринда Бухоро ва Қўқон, Марғилондаги кулгу кунларини оммалаштириб, 1 апрелда бўладиган кулгу кунини 1 майда ўтказилса айни муддао бўлур эди.

Донишмандлар «Инсон дунёга табиатан йиғлаб келади, бу табиий, лекин у ҳаётдан кулиб, пиру-бадавлат бўлиб кўз юмиши керак»,— деганларида минг бора ҳақлар. Юртимизнинг бойликлари кўп, аммо халқнинг кутаринки кайфияти ва руҳияти буюк бойликдир. Кулгу, табассум — бамисоли олтин, у халқимизнинг соғлиғи, саодати ва мулки.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, элшунос олим.

РАССОМ ХАНДАСИ



А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

ТАШКИЛОТ
НИСБАТАН АРЗОН НАРХЛАРДА
— саноат қурилмалари ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун турли ўлчамдаги ҳаракатга келтирувчи камарларни;
— "ГАЗ" русумидаги барча автомашиналарнинг бензин насосларини
СОТАДИ
Телефонлар: (3712) 55-84-90, 55-89-50.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир К. ЭШМАТОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.